

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**527** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил  
28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг  
улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»  
ПҚ–2340-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкнинг улушини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–2340-сонли қарорининг 1-илоvasи 1-бўлимининг 26-позицияси чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 16 июнь,  
ПҚ–3064-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*